



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 23 март, № 59 (8954)

Якшанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## САМАРҚАНДНИНГ ХАЛҚАРО МАРКАЗ СИФАТИДАГИ САЛОҲИЯТИ ТОБОРА ЮКСАЛМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 22 март куни Самарқандга ташриф буюриб, ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва келгусидаги режалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилди. Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди. — Кунни кеча халқимиз билан Наврўз айёмини кутиб олдик. Бугун, муқаддас Рамазон ойида мана шу табаррук жойга келиб турибмиз. Бу улук кунларга тинчлик-хотиржамликда етказгани учун Яратганга шукроналар айтамыз. Илоҳим, ҳамisha юртимиз тинч, элимиз фаровон бўлсин, ҳамша хайрли ниятларимиз амалга ошсин. Бу мажмуани Имом Бухорий бобомизга муносиб тарзда қурямыз. У зиёрат билан бирга маърифат, тарбия, ибрат ўчоги бўлсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Имом Бухорий мақбараси — бутун ислом оламида эъзозли маскан. Кўп минг сонли зиёратчиларга шароитларни кенгайтириш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан бу ерда янги мажмуа барпо этилмоқда.

Мажмуанинг умумий майдони 44 гектар. Бугунги кунда маҳобатли мақбара, 10 минг кишига мўлжалланган масжид қуриб битказилган. Баландлиги 75 метрлик 4 та минора мажмуага улғуворлик бағишлаган.

Шунингдек, музей, айвонлар, маъмурият ва хизмат кўрсатиш бинолари барпо этилган. Айни пайтда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Бунда миллий аъналар ва "иссиқ" ранглардан фойдаланилмоқда. Пештоқлар ва айвон деворларига "Саҳиҳи Бухорий" дан ҳадислар битилади.

Бундан ташқари, ҳудудда икки минг ўринли йигирмадан ортиқ меҳмонхона, хиёбонлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилади.

Бу йил юртимизда Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллиги кенг нишонланганини 1155 йиллиги кенг нишонланганини. Шу ҳақда Президент қароридан калом илми султони Самарқанд шаҳридаги мажмуасини қайта таъмирлаш ва ободонлаштириш белгиланган.

Ташриф чоғида Президентимизга ушбу лойиҳа тақдимот қилинди.

Қайд этилганидек, Мотуридий мажмуасида 1 минг 500 кишига мўлжалланган жоме масжид, маъмурий бино қурилиши кўзда тутилган. У ерда кутубхона, мажлислар зали, инновацион музей ҳамда мутахассис-

лар учун хоналар бўлади. Мажмуа яқинида автотурагоҳ ташкил этилади, зиёратчилар учун қўшимча кулайликлар яратилади.

Имом Абу Мансур Мотуридий ислом оламида ихтилофлар авж олиб, ҳар хил фирқалар кўпайган пайтда ашаган, бутун ҳаётини исломий ақидани ҳимоя қилиш ва маърифатини ёйишга бағишлаган. У зотнинг мотуридийлик таълимоти, "Тавилот ал-Қуръон", "Китоб ат-Тавҳид" каби асарлари бағрикенглик ва мўътадиллик тамойиллари билан аҳли сунна вал-жамоанинг маънавий асосларига айланган.

Давлатимиз раҳбари бу тамойиллар бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб бораётганини таъкидлаб, аллома бобомизнинг меросини янада кенг ўрганиш ва жаҳонга тарғиб этиш, мажмуага келувчиларга шароитларни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Яна бир хайрли лойиҳа — Оқдарё туманидаги Маҳдуми Аъзам қадимий обод қилишга қаратилган. Асли ҳозирги Косонсой туманида тутилган сўфий олим нақшбандия таъ-

лимотининг раҳнамоларидан бири бўлган. Илм ва дин йўлидаги узоқ сафардан сўнг Самарқандда абадий кўним топган.

Бу масканга келувчи зиёратчилар ҳам кўп. Уларга шароитларни яхшилаш мақсадида мажмуа ҳудудида қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилади, бугунги кун талабларига мос қўшимча кулайликлар яратилади.

Тақдирот чоғида Самарқанд заминдан етишиб чиққан бошқа олим ва мутафаккирлар, азиз авлиёларнинг қадамжолари ҳам босқичма-босқич таъмирланиб, обод қилиниши айтилди.

Сўнгги йилларда энг замонавий стандартларга мос инфратузилма яратилгани туфайли Самарқанд шаҳри халқро миқёсдаги йирик тадбирлар — олий ва юқори даражадаги саммитлар, конференция ва конгрессларнинг аънавий мезбонига айланган.

2022 йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Буюк Ипак йўли" мажмуаси бунёд этилгани бу борадаги ишларни янги босқичга олиб

чиқиб, Самарқанднинг халқро марказ сифатидаги салоҳиятини янада оширди.

Шавкат Мирзиёев ушбу Халқро туризм марказига ташриф буюриб, олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, яратилаётган шароитлар билан танишди. Мажмуада хоржий делегациялар ва сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, кулайликларни кенгайтиришга қаратилган муайян ишлар олиб борилмоқда, қатор янги объектлар қурилмоқда.

Жумладан, марказ ҳудудида умумий майдони 1150 квадрат метр бўлган йирик концерт зали барпо этилмоқда. 100 кишини қабул қила оладиган маданият маскани замонавий акустика ускуналари билан жиҳозланмоқда.

Президентимиз хоржий делегациялар, икки томонлама учрашувлар учун кулайликларни ошириш бўйича тавсиялар берди.

Шу ернинг ўзида Самарқанд вилояти ҳокими ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши юзасидан давлатимиз раҳбарига ҳисобот берди.

Таъкидлаш жоиз, жорий йилда Самарқандда йирик халқро анжуманлар бўлиб ўтади. Бугунги кунда "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" биринчи саммити ва Иқлим форуми, "Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари" саммити, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессиясини ўтказишга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрига ташриф яқинида Ҳазрати Ҳизр мажмуасида бўлиб, Биринчи Президентимиз Ислам Каримов мақбарасини зиёрат қилди.

Қуръон оятлари тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Марҳумларнинг яхшиликларини эслаш, қабристонларни ободонлаштириш халқимизнинг эзгу қадриятларидан. Ушбу мақбара ҳам Президентимиз бошчилигида қурдирилган, азиз зиёратгоҳга айлантилган. Муборак Рамазон ойида бундай эзгу амаллар барча жойларда ёрқин намоён бўлмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
Ғолиб ҲАСАНОВ,  
Ўза мухбирлари.

## ЭЛЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН БАҲОР АЙЁМИ

Инсонийлик, меҳр-оқибат, мурувват, меҳнатсеварлик каби қадриятларни ўзида ифода этадиган Наврўз энг қадимий байрамлардан бири ҳисобланади. Абу Райҳон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луготит-турк", Фирдавсийнинг "Шоҳнома", Умар Ҳайёмнинг "Наврўзнама", Абу Бакр Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асарларида келтирилган тарихий маълумотларга кўра, Наврўз 3 минг йилдан ошқ тарихга эга.

### Биз ва жаҳон

Жумладан, Наврўз 2009 йил 30 сентябрда ЮНЕСКО томонидан Инсониятнинг умумжаҳон номодий маданий мерослар рўйхатига киритилди. 2010 йилнинг 19 февраль куни БМТ Бош Ассамблеясининг 64-сессиясида эса 21 март — Халқро Наврўз кунни, деб эълон қилинди. Резолюцияда Наврўз байрами турли халқлар ўртасидаги маданий алоқалар ва ўзаро ҳамжиҳатликни рағбатлантириш, ўзаро бирдамлик, қўни-қўшничилик муносабатлари, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Шу кунларда Наврўз байрами нафақат юртимизда, балки хоржий давлатларда ҳам кенг тантана қилинаётган.

Хусусан, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий ваколатхонаси бошқа давлатлар билан биргаликда ташкилотнинг Париждаги бош қароргоҳида Наврўз олам муносабати билан байрам тадбирини ташкил қилди.

Унда ЮНЕСКО бош директори Одри Азуле, бош директор ўринбосари Син Цюй, шунингдек, мазкур тузилмадаги доимий ваколатхоналар раҳбарлари ва вакиллари ҳамда ташкилот котибияти ходимлари қатнашди.

Тадбирда мамлакатимизнинг бой моддий ва номоддий маданий мероси, шунингдек, гастрономик салоҳияти намойиш этилди.

Меҳмонлар учун палов ва бошқа ўзбек таомларидан иборат пазандалик фестивали ташкил этилди. Ўзбекистонда Наврўз байрамини нишонлашга доир видеороликлар намойиш қилинди.

Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий ваколатхонаси Афғонистон, Озарбайжон, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Қозғистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркменистон ва Туркия элчихоналари билан биргаликда БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида Наврўз байрамини ўтказди.

Байрам тантаналарида БМТ ва Бош Ассамблея котибияти раҳбарлари, Нью-Йоркдаги дипломатик корпус раҳбарлари ва вакиллари, академик доиралар ҳамда АҚШ жамоатчилиги иштирок этди.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг гўзаллик ва уйғониш айёмини нишонлаётган мамлакатларга йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди. Табрикда жаҳонда кузатилаётган қарама-қаршилик ва келишмовчиликлар шароитида, мулоқотга ва сайёрамизни ҳимоя қилишга жуда муҳтож бўлган замонавий дунёда тинч-тотув яшашни, табиат билан ҳамжиҳатликни тарғиб этувчи Наврўз руҳи ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ экани алоҳида урғуланди.



### Парламент палаталари ҳамкорлиги

## КОРРУПЦИЯГА МУРОСАСИЗЛИК МУҲИТИ ЗАРУР

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси ҳамкорлигида ишчи гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтди.



Унда киберкоррупцияга қарши самарали курашиш йўналишида мустаҳкам ҳуқуқий база яратиш масаласи муҳокама этилди.

Сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар мутасаддилари, олимлар, экспертлар ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари иштирок этган йиғилишда шу йил 5 март куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида белгиланган устувор вазифалар таҳлил қилинди.

Йиғилиш иштирокчилари қайд этганидек, давлатимиз раҳбари ёшлар орасида коррупцияга мурокасизлик муҳитини шакллантириш ва киберкоррупцияга қарши курашиш бўйича аниқ чоралар кўриш зарурлигини таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб, "коррупциянинг рақамли кўриниши" тушунчасини ҳуқуқий тартибга солиш, бу йўналишда миллий қонунчиликни халқро стандартларга мослаштириш масалаларига эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, соҳадаги илмий тадқиқотларни умумлаштириш, халқро ҳужжатларга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши масаласини ўрганиш, киберкоррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилиш якунида муҳокама қилинган масалалар асосида Сенат ва Қонунчилик палатасининг "Йўл харитаси"да тегишли чора-тадбирларни назарда тутиш белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

### Қўмиталар ҳафта ичида

## СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАШДА МАСЪУЛЛИК КЕРАК

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ҳамда Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида 22 март — Бутунжаҳон сув ресурслари кунига бағишланган давра суҳбатига ўтказилди.



Мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, соҳани бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, сув ҳўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг қатор Фармон ва қарорлари соҳани тараққий эттиришда муҳим асос бўлаётган.

Давра суҳбатига 2024 йилда беш йил муддатга икки йил имтиёзли давр билан 14 фоизли кредит маблағлари ажратили-

ши натижасида 83 минг гектарда томчи-латиб, 38 минг гектарда ёмғирлатиб, 31 минг гектар майдонда дискрет суғориш, 174 минг гектарда эгилувчан қувур ва эгатга плёнка тўшаб суғурчи технологиялари жорий қилингани қайд этилди.

Шунингдек, 522,8 минг гектар экин майдонлари лазер ускунаси ёрдамида текисланиши ҳисобига мавсум давомида 2,5 миллиард куб метр сув иқтисод қилинишига эришилган.

Иштирокчилар таъкидлаганидек, республика ҳудудида шаклландиган сув ресурслари трансчегаравий дарёларга боғлиқлиги, иқлим ўзгариши, сувга бўлган эҳтиёжнинг ортиши ушбу неъмат танқислиги келиб чиқишининг олдини олиш борасида кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўришни тақозо этапти.



## УЛУҒВОР ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ХАЛҚОНА ТАНТАНАСИ

Жонажон диёримизга дилбар фаслнинг сулув келинчаги мисоли ял-ял товланиб Наврўзи олам кириб келди. Унинг қутлуғ қадами жумлаи жаҳонни яшнатиб юборди.

### Шукух



Дов-дарахтлар, далаю қир, умуман, табиатдаги ажиб ўзгаришлар одамлар қалбига, шуурига кўчди. Юртдаги янгилиш ва ҳаётбахш ўзгаришларга ҳамоҳанг тарзда нишонланаётган Наврўз байрамини кексаю ёш қалбини шукроналик ҳис-туйғулари билан тўлдириб юборди.

Мамлакатимизда байрам бу йил "Қадриятларнинг боқий бўлсин, Наврўз" бош ғояси асосида халқ сайиллари шаклида тантана қилинапти. Бинобарин, кунни кеча юртимиз бўйлаб боғу хиёбонларда, маҳалларда турли удум ва азалий аъналар, халқ ўйинлари, кўкламнинг тансиқ таомлари — кўксомса, ёрма, ҳалим ва бошқа миллий таомлар тайёрланиб, байрам кўтаринки руҳда кутиб олинди.

Нукус шаҳрини кесиб ўтувчи "Дўстлик" канали бўйида театрлаштирилган ва адабий мусиқали хореографик байрам томошалари ҳам шундай кўта-



ринки руҳда ўтди. Шодиёналарга республиканинг барча туманидан нурунийлар таклиф этилди. Айтиш жоизки, қутлуғ айём ўтказилаётган майдонда баҳши-жировлар, созанда ва санъаткорлар ўз ижод намуналари билан халқимизга байрам кайфиятини улаштирди.



# ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ЖИЛОВЛАШ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Анджон вилоятида Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, халқ депутатлари Анджон вилояти Кенгаши ҳамда Анджон вилояти Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашининг кенгайтирилган қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

## Анжуман

Унда масъул давлат идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирокида 2025 йил 5 март куни ўтказилган Коррупцияга

қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг йиғилишида белгиланган устувор вазифалар муҳокама этилди. Хусусан, коррупцияга қарши курашиш жараёнларининг самарадорлигини ошириш, маиший коррупциянинг олдини олиш ҳамда бу йилда қўнғи ураётган соҳаларда жиноятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Муҳокамалар чоғида Коррупцияга

қарши курашиш бўйича миллий кенгаш ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятидаги камчиликлар танқидий баҳолашиб, уларнинг таркиби тўлиқ янгиланиши ҳамда вилоят Кенгаши раислари бошчилигида фаолият юритиши белгиланди. Шунингдек, Анджон вилоятида коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди. Таъкидлашчи, вилотда 2024 йилда 502 та коррупциявий ва мансабдорлик жинояти содир этилган бўлиб, 820 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Натияжада давлат манфаатларига 125,7 млрд. сўм миқдорда зарар етказилган.

Коррупциявий жиноятлар бўйича жавобгарликка тортилган шахсларнинг асосий қисми мол-мулк талон-торожлигига қўл уриш, пора бериш, фирибгарлик, пора олиш ва мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш каби жиноятларни содир этган.

Мажлисида ҳудудий идораларга коррупцияга қарши курашиш ишларини янада кучайтириш, бу борадаги рейтингга таъсир этувчи салбий омилларни бартараф қилиш, давлат дастурларининг тўлиқ ва ўз вақтида ижросини таъминлаш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Яқунда коррупцияга қарши курашиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилловчи қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

# СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАШДА МАСЪУЛЛИК КЕРАК

Хусусан, экин майдонларининг асосий қисмида ҳанузгача эскича услубдаги сугориш тизимидан фойдаланиб келинаётгани ҳамда сувни тежайдиган технологияларни қўллаш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмагани натижасида асосий манбалардан олинмадиган сувнинг 35 — 40 фоизи сугориш тармоқларида йўқолмоқда. Фермер хўжалиқларидаги сугориш тармоқларининг асосий қисми тўпроқ ўзали бўлиб, уларда сувнинг филтрация хисобига йўқолиш салмоғи юқориликча қоляпти.

Йиғилишида Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, яқинда Сенатнинг ялпи мажлисида маъқулланган «Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонун соҳадаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқиши алоҳида эътироф этилди.

Мазкур ҳужжатда сув ресурсларини бошқариш, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишга доир комплекс ҳамда мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни

ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, сув тежовчи технологиялардан кенг фойдаланиши рағбатлантириш, сув олиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик масалалари акс этган.

Тадбирда вазирлик ва идораларга сув завзалари ва ер ости сув захираларини муҳофаза қилиш бўйича талабларни кучайтириш, трансчегаравий сув ресурсларидан халқаро меъёрлар асосида, минтақанинг барча давлатлари манфаатларини инобатга олган ҳолда фойдаланиш, сувнинг ҳисобини очик-ошқора юритиш тизимини жорий этиш, сув хўжалиги объектларини рақамлаштириш, насос станцияларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ҳамда муқобил энергияга ўтказиш бўйича тақлиф ва тавсиялар берилди.

Яқунда халқ вакиллари томонидан соҳага оид қонунларни такомиллаштириш, уларнинг жойлардаги ижросини назоратлаш фаолияти тартибда ўрганиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

# Нодавлат нотижорат ташкилотлари: ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК КУЧАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси депутатлари ташаббуси билан киритилган нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига оид қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилиниб, жамоатчилик муҳокамасига қўйилган эди.

Пойтахтимиздаги «Нодавлат нотижорат ташкилотлар уйи»да Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтилар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси, Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази ҳамда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида мазкур лойиҳа муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш ҳамда соҳада очиклик ва шаффофликни янада кучайтиришга қаратилган.

Давра суҳбатида соҳа вакиллари лойиҳада назарда тутилган тақлифларга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, нодавлат ташкилотлар фаолиятига қонунга

хилоф равишда аралашганлик, жамоатчилик назоратининг яқиний ҳужжатини белгиланган мuddатда қўриб чиқмагани учун давлат органларининг мансабдор шахсларига маъмурий жавобгарлик белгиланаётгани, шунингдек, нодавлат ташкилотлар учун амалда бўлган маъмурий жарима миқдорлари кескин камайирилаётгани эътироф этилди.

Бундан ташқари, нодавлат ташкилотлар фаолиятида шаффофликни оширишга, талон-торож қилиш ёқуд фирибгарлик жиноятларини содир қилган шахслар тизимидан жамоат фондлари таъсис этилишининг олдини олишга қаратилган нормалар давр талаби сифатида баҳоланди.

Давра суҳбатида соҳа мутахассислари томонидан қонун лойиҳасига қатор тақлиф ва тавсиялар берилди. Уни иккинчи ўқишга тайёрлашда бу тақлифлар инобатга олиниши айтиб ўтилди.

# ҲУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҚАЙ ДАРАЖАДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси «Ҳудудларда инвестиция дастурларининг шакллантирилиши, тасдиқланиши ва ижроси, ажратилмадиган маблағларни мақсадли ва самарали ўлаштириш, инфратузилма, ижтимоий объектлар ва иқтисодий лойиҳаларнинг амалга оширилиши, ҳудудларнинг барқарор ривожланишига таъсирини ўрганиш масалалари» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Депутатлар, сиёсий партиялар фракциялари аъзолари, Иқтисодиёт ва молия, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирликлари, Автомобиль йўллари қўмитаси, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларининг тегишли идоралари вакиллари иштирок этган тадбирда ўтган даврда юртимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тубдан яхшилаш, бу йўлдаги тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш учун қатъий қадамлар ташлангани айтилди.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги қарорлари инвестиция оқимини кўпайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. Ушбу ҳужжатлар асосида мамакатда тармок ва ҳудудий лойиҳани амалга ошириш бўйича мутлақо янги тизим йўлга қўйилди.

Тадбирда таъкидланганидек, 2017 йилдан буён мамлакатимиз иқтисодиётига барча манбалар ҳисобидан 188 млрд. доллар инвестиция киритилган. Шундан 87 млрд. долларни хорижий инвестицияларнинг ташкил этиб, натижада инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 30 фоиздан ошган ҳолда барқарор иқтисодий ўсишга замин яратилди.

Жумладан, биргина 2024 йилда иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажми 1,3 баравар қўпайиб, 36 млрд. доллардан ошган. Бунинг ҳисобига эса йил бошидан бунён қўшимча 70 трлн. сўмлик қиймат берадиган 560 та йирик ва ўрта лойиҳа ишга туширилган. Соҳада олиб борилаётган ишларга

қарамай, инвестиция дастурлари ижроси ўз вақтида ва самарали амалга оширилмаётгани каби ҳолатлар ҳам учраб турибди. Масалан, Бухоро вилоятида 2024 йилда Инвестиция дастури асосида амалга оширилаётган қурилиш ишларида, яъни Автомобиль йўллари қўмитаси бюрутмачилигида битта объектда пудрат шартнома бекор қилинган, битта объектда эса шаҳарсозлик ва комплекс экспертиза хулосалари олинмасдан қолмоқда.

Тадбирда давлатимиз раҳбари Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишидаги нутқида қайд этганидек, йирик лойиҳалар юқори даражадаги коррупцияга қарши стандартлардан келиб чиқиб баҳолашнинг лозимлиги ҳамда мутасаддиларга бундай инвестиция лойиҳаларида халқаро коррупцияга қарши стандартларни жорий этиш муҳимлиги таъкидланди.

Мунозаралар давомида депутатлар ушбу соҳада амалга оширилаётган ишларни ижобий баҳолаб, қўмита томонидан ҳудудларда барқарор ривожланиш учун инвестиция дастурларини шакллантириш ва амалга оширилаётган ишлар юзасидан парламент назоратини кучайтириш лозимлигини қайд этди.

Давра суҳбатида иқтисодиёт тармоқларига — қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, автомобиль йўллари, транспорт соҳаларида инвестициялар натижадорлигини профессионал баҳолаш ва лойиҳаларни самарали бошқариш, қурилиш материаллари йўналишида инвестиция қўлмандорлиги бўйича амалга оширилаётган ишлар ва қутилаётган натижалар ҳолати ҳам муҳокама қилинди.

Яқунда бюджет ва инвестиция маблағларидан оқилона фойдаланиш, молиялаштириш базасини кенгайтириш босқичи ҳам қатор тақлиф ва тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

## Акс садо

# МОРАТОРИЙ — ЭРКИНЛИК ВА ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР КАФОЛАТИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда ишбилармонлик маълум доира вакиллари эмас, балки оддий халқ орасида оммалашаётган катта тармоққа айланди. Яъни юртимизда яратилган бизнес муҳити барчага тенг имкониятлар бермоқда. Қулай тадбиркорлик шaroитлари шаклланиб, Ўзбекистон ишбилармонлар юртига айланиб бораётгани амалий натижаларда ҳам акс этапти.

Айниқса, ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган Президентнинг тадбиркорлар билан очик мулоқоти дунё тажрибасида деярли ўхшаши йўқ механизмдир. Гап шундаки, давлатимиз раҳбарининг бизнес вакиллари билан ўтказиладиган учрашувлар шунчаки расмий тадбир эмас, балки соҳадаги муаммолар ўртага ташланиб, аниқ ечимлар бериладиган мулоқот майдонидир.

Шу маънода 19 март куни бўлиб ўтган Президент ва тадбиркорлар ўртасидаги амалий учрашув ҳам соҳа ривожига қаратилган қатор долзарб ташаббуслар илгари сурилгани билан эътиборга сазовордир.

Хусусан, унда кичик ва ўрта бизнесга қўшимча талаб ва мажбурият юклайдиган меъёрий ҳужжатлар қабул қилишга уч йиллик мораторий эълон қилинди. Бу қарорнинг тадбиркорлар учун аҳамияти шундаки, уч йил даво-

мида янги талаб ва чекловлар жорий этилмаглиги тадбиркорларнинг харажатларини камайтириб, уларнинг эркин фаолият юритишини таъминлайди. Иккинчидан, сармовий муҳит яхшиланади. Яъни хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун барқарор ҳамда башорат қилиш мумкин бўлган муҳит юзага келади. Учунчидан, кичик ва ўрта бизнес вакиллари ўз ресурслари ҳамда айланма маблағларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хизматлар сифатини яхшилашга йўналтириши учун шaroит туғилади.

Шу ўринда мораторийнинг иқтисодий таъсири ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак. Бунда, аввало, солиқ юки ошмайди. Айёнки, юртимизда 2028 йил 1 январга қадар қўшимча қиймат солиги ва фойда солиғи ставкаси оширилмаслиги белгиланган. Ўз навбатида, мазкур қарор кичик ва ўрта биз-

нес учун муҳим рағбат бўлиб, уларни узоқ муддатли режалар тузишга руҳлантиради. Қолаверса, мораторий янги стартап ва кичик корхоналарнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шунингдек, мавжуд тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини кенгайтириш имкониятига эга бўлади.

Очигини айтганда, уч йиллик мораторий — кичик ва ўрта бизнес учун нафақат энгиллик, балки янги имкониятлар эшигини очувчи муҳим стратегик қарор бўлди, десак, муволаға эмас. Бу ташаббус тадбиркорларга ўз ишини бемалол юритиш, янги ёғларни амалга ошириш ва мамлакат иқтисодиётига муносиб ҳисса қўиш учун кенг йўл очади. Айни чоғда бюрократ тўсиқлар камайтиб, бизнес юки енгиллашар экан, жозибдор имкониятлар ўз-ўзидан туғилади. Бу эса янги иш ўринлари, инновацион лойиҳалар ва бозордаги рақобатбардошлик ҳам ошади, деганидир.

Малика ҚОДИРХОНОВА, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, моданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

# Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш — стратегик йўл

Замонавий бозор иқтисодиёти шaroитида йирик корхоналар сони камайтиб, кичик корхоналар сони кескин ўсади. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бозор иқтисодиёти талабларига тезда мослашиб, инновацияларни ўлаштиришда илгордир.

Сўнгги йилларда соҳани ривожлантиришга давлат сиёсати даража-сида эътибор қаратилмаётгани натижасида кичик бизнеснинг ўсиши мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига ҳам ўз аксини топяпти. Шу боис юртимизда ривожланган давлатлар тажрибаси асосида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмаётди.

Бугунги кунда иқтисодий-ижтимоий соҳани ислоҳ этиш, эркин тадбиркорлик фаолиятини қарор топтириш борасидаги ислохотлар манфиқий изчилликка асослаб олиниб келинмоқда. Жумладан, тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида барча зарур ташкилий ва ҳуқуқий механизмлар яратилди. Натижада бизнес муҳити яхшиланб, тадбиркорлик фаолияти иқтисодий тараққиётимизни таъминлашда муҳим аҳамият касб этапти. Биргина 2024 йилда тадбиркорлар фаолияти учун гоят муҳим 5 та қонун, 101 та Фармон ва қарорлар имзолангани соҳани жадал ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бир пайтлар кредит, бозор топиш, инфратузилма билан боғлиқ муаммолар, тинимсиз «теқшир-теқшир»лар сабабли 60 фоиз янги тадбиркорлар фаолияти биринчи йилнинг ўзидаёқ тўхта қоларди. Айни пайтда эса уч йилдан ортик ишлаётган корхоналар улуши 76 фоизни ташкил этиб, илк бор 300 мингга етди.

Бизнес юритишга доир 100 дан ортик лицензия ва рухсатномалар бекор қилиниб, 33 та фаолият тури хабардор этиш тартибига ўтказилган, рухсатномаларни расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилиб, му-

датлари қисқартирилгани туфайли тадбиркорлик субъектлари сони йил сайин ошиб, жамиятда уларнинг обрўри ва маъкеи янада ортди.

Тадбиркорлик фаолиятида йўл, сув, электр, газ, темир йўл каби инфратузилмалар учун катта маблағлар йўналтирилаётгани юртимизда уларнинг кенг қулоч ёйиши, ишбилармонлар сафи янада кенгайтиришга туртки берди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида сўнгги беш йилда кичик ва ўрта тадбиркорлар сони 2 қарра қўпайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 19 март кунги кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашуви тарихий аҳамиятга эга бўлиб, бу мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш ҳажми ва экспорт қўлимни оширишга замин яратди.

Маълумки, ишлаб чиқариш салохияти йўналишлардан бири саналди. Сайловчилар билан учрашувларимиз давомида жойларда бунга интилувчи ёшлар қўлгили, лекин ақсарияти ишни нимадан бошлаш, қаердан мутахассис ва технология олиб келишни билмаслигига гувоҳ бўламиз.

Давлатимиз раҳбари бу масаланинг аниқ ечимларини белгилаб берди. Унга кўра 20 та туманда кичик ва ўрта саноат корхоналарини ривожлантириш бўйича лойиҳа офислари очилиши, уларга хорижий муҳандис, технолог, дизайнер, бухгалтер ва маркетинглар олиб келиниши, бунга эса шу йилнинг ўзида 100 млрд. сўм ажратилиши минг-мингларча ёшларни ҳаракатга келтириб, фаолликка чорлагани рoст.

Ушбу сиёсатнинг замирида йигит-қизларимиз бандлигини таъминлаш,

аҳолининг реал даромадларини ошириш, энг муҳими, одамларни ҳаётдан рози қилишдек улғ мақсадлар ётибди, десак, асло янглишмаймиз.

Учрашувда кичик бизнесда янги драйвер бўладиган ускуна ва дастгоҳлар, тиббий воситалар, электроника саноати, лoгистика каби соҳаларда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида дастурлар қабул қилиниши ҳам айтилди. Бу, ўз навбатида, одамларимиз орасида тадбиркорликка қизиқишнинг ортишига, барча тармоқларда ишбилармонлик муҳити шаклланиб, кичик ва ўрта бизнеснинг янада тараққий этишига имкон беради.

Янги тадбиркорлар «оёққа туриб олиши» учун фаолиятининг биринчи йили муҳим. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «биринчи имконият» тaмoйили жoрий этилиши, яъни илк бор маъмурий ҳуқуқбузарликка йўл қўйган тадбиркор жавобгарликдан озод этилиб, камчиликни бартараф қилиш учун имконият берилиши энг тўғри ва оқилона қарор бўлди.

Охириг уч йиллик айланмаси 10 млрд. сўмдан ошмаган, солиқдан қарз бўлмаган корхонани ихтиёрий туғатишда теқширув ўтказилмаслиги, шубҳасиз, бюрократик жараёнларни қисқартириб, тадбиркорлар учун қулай шарт-шaroитлар яратди. Бу ўзгаришлар, янгиликлар, халқона айтганда, тадбиркорлар даври келди, дегани эмасми?

Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши янги иш ўринларини очиш, фуқароларнинг даромадлари ва фаровон яшашини таъминлашга хизмат қилади. Асосийси, учрашувда белгилаб берилган залварли вазифалар депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Диёр ҲУСАНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

# КИЧИК БИЗНЕС УЮШМАСИ — ҚУЛАЙ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Шу кунга қадар юртимизда кичик бизнес маҳсулотларини «Made in Uzbekistan» ёрлиғи остида дунёга таъиниш билан шуғулланадиган, бу борада тадбиркорларнинг энг яқин кўмакчиси, елкадоши бўла оладиган алоҳида ташкилот йўқ эди. Қайсидир маънода соҳа ривожига шунга эҳтиёж сезаётганди.

Эътиборлиси, 19 март куни Президентимизнинг кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашувида қўллаб тадбиркорларнинг талаб ва тақлифларидан келиб чиққан ҳолда Кичик бизнес уюшмасини ташкил этиш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Ушбу платформанинг аҳамияти шундаки, тадбиркорлар ўз маҳсулоти билан жaҳoн бoзoрига чиқoқчи бўлса, бемалол уюшмага мурожаат этиб, ўзларига зарур маслаҳат, молиявий ёрдам ва бозор тадқиқотлари ҳақида маълумот олишлари ҳамда аниқ стратегия асосида ишни ташкил қилиши мумкин бўлади. Яъни уюшма жaҳoн бoзoрига чиқиш учун зарур бўлган «ISO», «FDA», «Halal» ва бошқа халқаро сертификатларни олишда ёрдам кўрсатади. Мақсадли бозорларни аниқлаш, рақобат таҳлилини қилиш ва маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишда кўмаклашади. Халқаро ташкилотлар ва давлат томонидан берилган грантлар ҳамда кредит линияларидан фойдаланиш имконини тақдим этади. Турли халқаро қўргазма, бизнес-форум ва савдо ярмаркаларида қатнашиш имконини яратиб, тадбиркорларнинг маҳсулотларини кенгрок аудиторияга таништиришга ёрдам беради.

Қисқаси, уюшма тадбиркорлар учун жaҳoн бoзoрига чиқишда мустаҳкам кўприк вазифасини ўтайди ва уларнинг халқаро савдода муваффақият қозонишига ҳар томонлама кўмак кўрсатади.

Биланмики, бугунги кунда иқтисодий ривожланиш фақат анъанавий бизнеслар эмас, стартаплар ва инновацияларга асосланган лойиҳалар билан ҳам ўлчанмоқда. Бу — бор гап. Шу маънода, янги уюшма ёш тадбиркорлар, ихтирочилар ва технология мутахассисларни қўллаб-қувватласа, янги йўналишлар пайдо бўлади. Натияжада мамлакатимизда замонавий технологиялар ривожланиши жадаллашади.

Сирасини айтганда, Кичик бизнес уюшмаси — бу иқтисодиёт учун янги имкониятлар майдонидир. У нафақат тадбиркорларга, балки бутун жамиятга ижобий таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, бу уюшма самарали иш юритса, бундан иш ўринлари қўпайди, экспорт салоҳияти ошади, стартаплар ва инновацияларга йўл очилади, солик тушумлари ва Давлат бюджетига мустаҳкамланади, қисқаси, у бутун иқтисодиёт учун янги даврни бошлаб беради.

Анна ДОБРЯХ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзоси.

# Иқтисодий самарадор ва экологик хавфсиз

Бугунги кунда аҳоли сонининг ортиб бориши иқтисодиётнинг муҳим тармоғи — қурилиш соҳасига оид ёндашуви ўзгариши, янги инновацион технологияларни жорий қилишни тақозо этмоқда. Бу соҳа иқтисодиёт драйвери бўлиб билан бирга, атропо-муҳитни муҳофаза қилиш ва энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш нуктаи назаридан ҳам катта аҳамиятга эга.

## Фикр

Дунё микёсида экологик муаммоларнинг кучайиши ва энергия ресурсларининг чегаралангани газ, кўмир ва бошқа турдаги ёқилғиларнинг тақчиллигини келтириб чиқармоқда. Бундай вазиятда ресурсларни тежашга йўналтирилган қурилиш материаллари ва энергия самарадорлиги масалалари муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, газ ва кўмир ёқилғиси тақчил бўлган ҳудудларда, ижтимоий объектларни қуришда энергия самарадорлигини оширувчи материаллардан фойдаланиш нафақат иқтисодий натижадорликни, балки экологик хавфсизликни ҳам таъминлайди. Шу боис ресурсларни тежовчи ма-

териаллар ва энергия омилкорлигини оширувчи қурилиш технологияларини жорий қилиш, айниқса, аҳамиятлидир. Таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда мамлакатимизда қурилиш соҳасига табиий ресурслардан самарали фойдаланишга ёрдам берадиган, энергия тежамкорлиги ва экологик барқарорликни таъминлайдиган 100 дан ортик ресурстежамкор материаллар кириб келди. Бундай материаллар, айниқса, қишлоқ жойлари ва узоқ ҳудудлардаги қурилишларда муҳим ўрин тутади. Табиий базальт, минерал тошлар, полиуретан ва бошқа ўзгаририлган материаллар нафақат биноларни қуришда, балки уларнинг энергия самарадорлигини оширишда ҳам катта аҳамиятга эга. Жумладан, базальт материаллари билан қурилган бинолар қишда иссиқ-

ликни, ёзда эса салқинни сақлашда фойдали ҳисобланади. Шунингдек, бинонинг энергия сарфини камайтиришга ёрдам беради, чунки уларнинг яхши изоляция хусусиятлари энергия таъминоти тизимининг самарадорлигини оширади. Шу билан бирга, базальт материаллари экологик хижатдан хавфсиздир, чунки улар табиий манбалардан олинди ва уларнинг ишлаб чиқарилиши атропо-муҳитга зарар етказмайди. Шу тарзда, базальт қурилиш материаллари энергия тежамкорлигини ва экологик барқарорликни таъминлашга ҳам ёрдам беради.

Қурилишда полистирол, полиуретан ва бошқа шу каби материаллардан фойдаланиш ҳам

Францияга ташриф:

ЭЪТИРОФ, ИШОНЧ ВА ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

Президентимизнинг 11 — 13 март кунлари Францияга ташрифи мамлакатимиз ташқи сиёсати янада ривожлантириш ва стратегик шериклини мустақамлаш йўлида муҳим қадам бўлди. Бу тарихий воқеа Ўзбекистоннинг жаҳон саҳнасидаги мавқеини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Муносабат

Ишончли сиёсий мулоқот

Ташрифнинг натижалари фақат икки мамлакат учун эмас, балки бутун Марказий Осиё ва Европа минтақалари учун ҳам аҳамиятли бўлади. Негаки, ҳар икки мамлакат ўз минтақаларининг етакчи давлатлари саналади. Франция Ўзбекистоннинг ҳам ташқи сиёсат, ҳам иқтисодий ҳамкорлик соҳасида Европадаги муҳим шерикларидан бири. Расмий Париж Европа интеграциясининг лоомотивларидан бири сифатида Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан муносабатларини ҳам сифат жиҳатдан янги даражага кўтаришда етакчилигини намойиш этипти. Франция раҳбарияти янги Ўзбекистонда амалга оширилган ўртақ қайтмас ислохотлар дастурини тўлиқ қўллаб-қувватлаб, Президент Шавкат Мирзиёевнинг очкилик ва прагматизмга асосланган сиёсатига доим юрак баҳо бериб келган.

Кейинги йилларда кўп қиррали Ўзбекистон — Франция муносабатлари барча йўналишда жадал ривожланиб бораёттир. Товар айирбошлаш ва қўшма корхоналар сони каррасига кўпайган. Жорий ва истиқболли лойиҳалар портфели 10 млрд. евродан ошди. Франция тараққиёт агентлиги билан 1 млрд. евролик Стратегик ҳамкорлик дастури амалга оширилмоқда. “Яшил” энергетика, хомашё ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш, инновацион қишлоқ ҳўжалиги, сув таъминоти, логистика, инфратузилмани ривожлантириш, туризм ва бошқа соҳаларда янги йирик лойиҳаларни рўёбга чиқариши чора-тадбирлари қўрилмоқда.

Франция Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ишончли мустақамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини, шунингдек, мамлакатимизнинг ЖСТга аъзо бўлишини ҳамда Евроиттифоқ билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим тез фурсатда имзоланишини бундан буюн ҳам қўллаб-қувватлашга тайёр. Сиёсий мулоқотни давом эттириш, хавфсизлик, юзага келаётган таҳдид ва хатарларга самарали қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлиқни мустақамлаш ҳар икки мамлакат манфаатларига жавоб беради.

Расмий Париж барқарор, динамик тарзда ривожланиб бораётган Ўзбекистон нафақат Франция ёки ЕИИнинг, балки бутун халқаро ҳамжамиятнинг



узоқ муддатли стратегик шериги бўлиб қолиши борасида ўз қарашларига эга. Ўз навбатида, мамлакатимизнинг истиқболли сармоявий ва транспорт-коммуникациявий салоҳияти, француз маҳсулотлари учун улкан бозорининг мавжудлиги, шунингдек, катта энергетик захиралари француз тадбиркорлари ва ишбилармон доиралари учун жозибадорлигини оширишга хизмат қилапти. Франция дунёнинг нафақат иқтисодий тараққиёт этган мамлакатларидан бири, балки унинг sanoat (кимёвий, машинасозлик, электротехника, IT) имкониятлари, замонавий технологиялар ва инновацияларга эгаллиги мамлакатимизда маъзур муҳим тармоқларнинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин.

Шуни ҳам қўшимча қилиш кераки, Франция расмий Тошкент томонидан олиб борилаётган давлатнинг мустақиллиги ва суверенитети, мамлакат атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик камарини барпо этиш, халқаро имижини мустақамлашга йўналтирилган очик ва конструктив ташқи сиёсатни юқори баҳоламоқда. Мамлакатимиз Францияга Евроиттифоқда етакчи мавқеини эгаллаб турган, БМТ Хавфсизлик Кенгаши, катта еттилик ва катта йиғирматалик, НАТО ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларда ўз ўрнига эга бўлган давлат сифатида қарайди. Шу нуқтага назардан, Ўзбекистон ва Франция ўртасида олиё даражада йўлга қўйилган ишончли сиёсий мулоқот икки мамлакатнинг барча соҳада ҳамкорлиқни фаоллаштириши-да драйвер бўлиб хизмат қилапти.

Муштарак мақсадлар ва ташаббуслар

Давлатимиз раҳбарининг бу галги ташрифи ҳам Франция билан муносабатларни чуқурлаштириш мақсадида амалга оширилди. Франция ва Ўзбекистоннинг яқинлашуви иқтисодий соҳада, хусусан, энергетика, хомашё етказиб бериш, транспорт ин-

фратузилмаси, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат мустақиллиги ва хатто мудофаа соҳасида олиб борилмоқда.

Икки мамлакатнинг аксарият халқаро глобал муаммоларни ҳал қилиш борасидаги позициялари бир-бирига анча монанд. Бунинг тасдиғи сифатида икки давлатнинг халқаро сиёсий майдонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан билдираётган муносабати, мождароларни тинч йўл билан ҳал этишга интилиши, мустақил ташқи сиёсат юритишини қайд этиш мумкин. Бу эса Ўзбекистон — Франция муносабатларида ўзаро муштараклик мавжудлиғи ҳамда икки давлат ўртасидаги ўзаро хурмат ва ишончнинг тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда икки мамлакат ўртасида кўплаб соҳаларда самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, ушбу алоқалар тенг шериклик тамойилига асосланган. Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги товар айирбошлаш ҳамжи сулғи йилларда бирмунча ошди. Бунга “Orano”, “Total Eren”, “Suez”, “Veolia”, “Renault”, “EDF” каби француз компанияларининг юртимиз бозоридagi муваффақиятли тажрибаси ҳам сабаб бўлди.

Икки томонлама муносабатлар нафақат савдо-иқтисодий, балки

ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида Франция билан энг кўп қулайлик режими яратилди. Ўзаро савдонинг тобора ўсиши кузатилмоқда. Экспортнинг асосий номенклатураси: кимё маҳсулотлари, хизматлар, ноозик-овқат товарлари, тайёр маҳсулотлар ва бошқалар. Импортнинг асосий номенклатураси: кимё маҳсулотлари, машина ва асбоб-ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари, хизматлар, ноозик-овқат товарлари ва тайёр маҳсулотлар, sanoat товарлари ва ёқилғи ҳамда бошқалар. 2021 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Европа Иттифоқининг “Преференциялар бош тизими” (GSP+) бўйича бенефициар давлатига айланган. Бу эса Европа Иттифоқиға, хусусан, Францияға ўзбек маҳсулотларини, жумладан, 6,2 мингта муҳим экспорт товарларини боғжиб олиб кириш имконини беради.

Ўзбекистонда юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий корхоналар очилуш учун француз инвестициялари ва технологияларини жалб қилиш икки томонлама иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишидир. Бироқ айна пайтда Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмап-

Ўзбекистонда 700 дан ортиқ мактаб, коллеж ва лицейлар, шунингдек, 12 та олиё таълим муассасасида 200 мингдан ортиқ ўқувчи ва талабалар француз тилини катта қизиқиш билан ўрганмоқда. Икки мамлакатнинг 40 дан ортиқ олиёғохлари ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

2018 — 2024 йилларда туризм, археология, дизайн ва мода, француз филологияси, инклюзив таълим, бизнес-менеждмент, энергетика, сиёсат-шунослик, авиация каби таълим йўналишларида ўнлаб ҳўжатлар имзоланди. Амалий лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Тошкент тўқимачилиги ва энгил sanoat институтида Париж халқаро мода академиясининг қўшма факультети, Бухоро давлат университети қошида “Vatel” туризм ва меҳмонхона бизнеси менеждменти бизнес мактаби филиали, Тошкент давлат транспорт университетида Франция фуқаро авиацияси миллий мактаби билан биргаликда Фуқаро авиацияси учувчиларини тайёрлаш мактаби очилди. Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва Франция Миллий бошқарув мактаби ўртасида самарали алоқалар йўлга қўйилди. Франция таълим ва тадқиқот олиё институти юртимизда инклюзив таълимни ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Тошкент ва Самарқандда “Француз альянси” ўз фаолиятини олиб боради.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияға давлат ташрифи чоғида Самарқанд халқаро технология университети ва Франциянинг етакчи муҳандислик университети билан ҳамкорликда француз олиё муҳандислик мактабини ташкил этиш бўйича келишувга эришилди. Бу мактаб Ўзбекистонда юқори сифатли технология таълим тизимини ривожлантириш ҳамда sanoat етқиёлирига мос келаётган маляали муҳандисларни тайёрлашга хизмат қилади. Институт макромидаги ушбу олиё мактаб шу йилнинг сентябрь ойида ўз фаолиятини бошлаши режалаштирилган бўлиб, коччилик, геология, нефть ва газ, кимё муҳандислиги каби муҳим таълим йўналишларини қамраб олади.

Бу галги давлат ташрифи яқин ва узоқ истиқболда мамлакатлар ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданй ва илмий соҳадаги алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Асосийси, Президентимиз ташрифи икки томонлама муносабатларни ривожлантириш учун мустақам замин яратди. Алоқаларимиз барча соҳада мисли қўрилмаган даражада жадал тўлиб.

Бахтиёр МАҚҚАМОВ, Тошкент ахборот технологиялари университети ректори, профессор.

“Кейинги йилларда кўп қиррали Ўзбекистон — Франция муносабатлари барча йўналишда жадал ривожланиб бораёттир. Товар айирбошлаш ва қўшма корхоналар сони каррасига кўпайган. Жорий ва истиқболли лойиҳалар портфели 10 млрд. евродан ошди. Франция тараққиёт агентлиги билан 1 млрд. евролик Стратегик ҳамкорлик дастури амалга оширилмоқда. “Яшил” энергетика, хомашё ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш, инновацион қишлоқ ҳўжалиги, сув таъминоти, логистика, инфратузилмани ривожлантириш, туризм ва бошқа соҳаларда янги йирик лойиҳаларни рўёбга чиқариши чора-тадбирлари қўрилмоқда.”

сиёсий, маданй, илмий-маърифий ва бошқа кўплаб соҳаларда динамик равишда ривожланиб бормоқда. Биргина туризм соҳасини олайлик: французлар дунёда энг кўп саёхат қилган миллат бўлиб, Ўзбекистонға ҳам кўп турист айнан шу мамлакатдан ташриф буюрмоқда.

Ўзбекистонда сўнги йилларда Франция компаниялари иштирокидаги қўшма корхоналар ва лойиҳалар сони уч баробар ошди. Биргина “Total Eren” компанияси билан биргаликда Самарқанд вилоятида минтақадаги энг йирик қуввати 100 МВт бўлган қуёш фотозлектр станцияси ишга туширилди. Энергетика соҳасида бошқа истиқболли лойиҳалар ҳам амалга оширилётгани эътиборга молик.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган Шериклик ва

ти. Ушбу кўрсаткичларни бир неча баравар кўпайтириш имкониятлари мавжуд. Шу сабаб Франция ва Ўзбекистон ишбилармон доираларининг ҳар икки мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари, қўшма лойиҳаларни ривожлантириш истиқболлари ҳақида ҳабардорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Парижда ўтган икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес форумида 6,5 млрд. евролик битимлар ҳам шу мақсадларға хизмат қилади.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик

Кези келганда, Ўзбекистон ва Франциянинг таълим соҳасидаги алоқалари ибратли бўлиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда

КАМБАГАЛЛИК «ДАФТАРИ» ЙЎҚ МАХАЛЛА

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш умуммиллий ҳаракатға айланди. Бу борада давлатимиз раҳбари ҳар бир фуқаронинг яшаш шароитини яхшилаш, таълим ва тиббий хизматлар қўлами ҳамда сифатини ошириш, инсон қадрини улуғлашға қаратилган бир қанча Фармон ва қарорлар қабул қилди, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида иш олиб борилмоқда.

Бугунги кунда бундай ислохотлардан халқимиз қай даражада хабардор? Айниқса, маҳалларда, чекка овул ва қишлоқларда бу ўзгариш ва янгилишлар ўз аксини топаётими?

Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманидаги “Қуйи Туркман” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлганимизда бу саволларға жавоб тоғандай бўлди.

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Асатилло Ҳайдаровни сўраб-суриштириб фаоллар билан кўчалардан бирини ободонлаштириш ишларида қатнашганидан жойда учратдик.

— Фураст тоғдик дегунча, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги юмушларға ўз хис-самилни қўялғимиз, — дейди Асатилло Ҳайдаров. — Бир парча ер бўлса ҳам, бўш қолмасин, деймиз. Ҳар кун хонадонма-хонадон юрамиз, томорқаға нима екилган, тирикчилик қандай, шулардан хабар оламиз. Кўчат деса кўчат, қалачма ёки уруғлик, барчасини тезда етказиб берамиз... Мана, қаранг, хонадонларнинг бирортасида экин екилмаган томорқа йўқ. Ёвзи миришкорларимиз томорқасидан бир йилда 2-3 маротаба ҳосил кўтарди. Шунға яраша турмуши фаровон, битта оила мавсумда томорқанин ўзидан 50 — 60 миллион сўм даромад олаёттир.

Сўхбатни маҳалла идорасида давом эттирдик. Янги, муҳташам маҳалла фуқаролар йиғини биноси эътиборимизни тортиди. Олдинги бино жуда эскириб, чўкиб қолгани сабабли шу маҳаллада яшайдиган тадбиркор Шерзод Маҳмудов ташландик жойда ўз хисобидан икки ой ичйда замонавий маҳалла идорасини қуриб берган экан. Бу ерда “маҳалла еттиллиги” учун ҳамма шароит борлиғиға гувоҳ бўлдик.

— Узингиз биласиз, аввало, камбағалликни тутатиш учун ҳар бир маҳаллада одамларға шароит яратиб бериш, инфратузилмани яхшилаш керак, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси. — Шунинг учун эндиликда камбағалликни қисқартириш борасида янгиға ёндашувлар бўлади. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиғи ҳўжимликлар билан бирға бу йил ҳар бир маҳаллани тўлиқ хатловдан ўтказиб, “камбағал оилалар портрети”ни ишлаб чиқарди. Камбағал оила бўйича индивидуал дастур бўлади. Иқтисодий комплекс оилаларни камбағалликдан олиб чиқиш билан шуғулланади. Бунда масъулият фақат туман ҳўкимлигидагина эмас, айни дамда маҳалла оқсоқолларининг ҳам зиммасида бўлади, деб тушунаман.



— Президентимизнинг “Қайси маҳаллада иш тўғри ташкил этилиб, фуқаролар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилса, ўша ерда ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳити ҳўжм суради, ноҳуш ҳолатларға йўл қўйилмайди”, деган сўзларини ўзиниға шор қилиб олганман, — дейди Асатилло Ҳайдаров. — Ана шу “Маҳалла бюджети” тизимининг йўлга қўйилиши, маҳалланин ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасининг очилиши шу ерининг ўзида кўп масалаларини ечимини топишға хизмат қилади. Илгари ҳузуримизда бирорта моддий кўмакка муҳтож одам келса, тўғриси, унинг кўнглидан чиқадиган ёрдамни беришға имкониямиз етмасди. Эндиликда ушбу жамғармага жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғидан ундирилган маблағлардан тегишли қисми ўтказилади. Кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофазалаш мақсадида маҳаллалар иктиёрига катта миқдорда маблағларни ажратилмоқда.

Жамғарма маблағларини сарфлаш ваколати маҳалланин ўзига берилди. Чунки айнан “маҳалла еттиллиги” қаерда, қандай муаммолар борлигини беш қўлдай билди, муаммоларни жойида ўрганиб, тегишли қарор қабул қилади. “Сизни, умуман, маҳалладашларингизни қайнаб келаётган муаммолар ҳам борми?” раисни яна саволға тутамиз.

— Муаммолар бирин-кетин ечим топмоқда, бироқ... Фуқаролар йиғини ҳудудида 900 га яқин ҳўжаликлар бўлиб, 4 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Маҳаллада боши берк кўчалар билан ҳисоблаганда 46 та бонир, шундан 18 таси катта кўча. Асфальт ётқизилган 8 километрча масофадаги ички йўллар қолган.

Маҳалламиз ҳудудида 16 та трансформатор бор. Деярли ҳаммасини янгиладиқ. Фақат симёғочлар эски, қулаб тушишдан хавотирдамиз. Улардан бир қисмини янгиларига алмаштирдик. Лекин қолганини ҳам алмаштирмасак бўлмайди. Бу ҳақда мутасадди идораларға мурожаат қилганмиз, шу масаланин ҳал бўлишини кутялғимиз.

Нурulloҳ ОСТОНОВ (Халқ сўзи).

Маҳалламиз Самарқанд шаҳрини Кимёгарлар қўрғонини билан боғлайдиган ҳудудда жойлашган. Нарпай кўчасининг нариги ёғи Пастдаргом туманиға қарайди. Машиналар қатнови қўнглидан ота-оналар мактабға кетган фарзандидан хавотирланиб ўтиришға мажбур. Югур-югур қилиб, иккита жойға светофор ўрнатишға эришдик. Лекин пидёлар ўтиш йўлагини кўрсатадиган светофор ўрнатишмай қолган. Шунинг оқибатида яқинда бир фалокат руй берди. Бу ҳолат қайта такорланмаслигини хоҳлардик ва буни тегишли мутасаддилар ҳам истади, деган умидман.

Маҳалла раиси билан бирға, бизға ҳамроҳлик қилган хотин-қизлар фаоли Гулнеҳра Мамаражабованин айтишича, ишиз аёлларни касаначилик асосида доимий иш билан таъминлаш чоралари қўриляпти, айримларига субсидиялар ажратилган. Муаммоси бор ёшлар хатловдан ўтказилиб, уларнинг хоҳишиға қараб бир қисмиға касб ўрганиш учун йўланма берилган бўлса, айримларига дастлабки бизнесини бошлаши учун мо-тоқультиватор, тивук машиналар олиб берилган. Улар деҳқончилик қилиш учун ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланяпти.

Хуллас, мана шунанға гаплар, “изолан имкон топади” дейишди. Асосийси, бундай эътиборға молик масалалар жуда кўп.

Биз фаолияти билан қисман танишган — Қуйи Туркман маҳалласидаги ўзгаришлар, халқнинг ҳаётини яхшилаш, рози қилиш йўлида амалга ошириляётган ишлар уларни эртанги кунға ишонч билан қарашға, янги-янги муваффақиятлар сари ундамоқда, руҳлантирмоқда. Зотан, одамлар, аввало, ҳаётда ўзи баҳраманд бўлаётган, ўзининг манфаатларини ифода этадиган жараёнларға қизиқади, ишонди ва қўллаб-қувватлайди.

Маҳалладаги манзара, одамларнинг кайфияти эса юртининг қиёфаси ҳақида ҳикоя қилиши бор гап...  
Нурulloҳ ОСТОНОВ (Халқ сўзи).

ЭЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН БАҲОР АЙЁМИ

Берлин шаҳрида “Ҳар кунинг ўлсун, Наврўз” шиори остида байрам сайиллари бўлиб ўтди. У Ўзбекистон элчихонаси томонидан Афғонистон, Ироқ, Эрон ва Марказий Осиё давлатларининг Германиядаги дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда ҳамда “Cultur-Cooperation e.V.” маданй ҳамкорлик ташкилоти кўмағида уюштирилди.

Дипломатик ваколатхона ҳодимлари Наврўз байрами миллий қадрият сифатида мамлакатимизда кенг нишонланиши, уни асраб-авайлаш ва келажак авлодға етказишға катта эътибор қаратиляётгани, ҳар йили ушбу байрам арафасида бунёдкорлик ишлари, хайрия тадбирлари ўтказилишини таъкидлади.

Байрам тадбири доирасида иштирокчи мамлакатлар ўзларининг миллий стандартларини намойиш этиди. Ўзбекистон вакиллари байрамона миллий либосларда, сўзана, атлас ва адрас матолари, турли хунармандчилик буюмлари ва маданй дастурларини йиғилганлар эътиборига тақдим қилди. Шунингдек, Наврўз байрами арафасида ўтказиладиган ўзбек удумлари, ноёб баҳорий таом — сумалак тайёрлаш ҳақида тақдимот ўтказди. Ижро этилган ларлар ва турли ўзбек миллий рақслари барчаға манзур бўлди.

Байрам иштирокчилари ўртасида ўтказилган Наврўз айёмига хос миллий ўйинларини уларнинг юртимиз маданйياتиға бўлган қизиқишларини янада оширди.

Лондон Сити ҳўкимиятида тарихда илк бор Наврўз байрами кенг нишонланди. Унда Британия ҳўкумати расмий вакиллари, парламент аъзолари, маҳаллий ва хоржий раҳбариятлар, банк ва молиявий институтлари раҳбарияти ҳамда дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

Тадбирнинг бадий қисмида Ўзбекистон ва Озарбайжон ижодий жамоалари иштирокида концерт дастури бўлиб ўтди. Ўзбекистон санъат усталари томонидан миллий чолғу асбобларида ижро этилган куй ва қўшиқлар меҳмонларға хушқайфият бағишлади. Шунингдек, тадбир доирасида Ўзбекистон ва Озарбайжон миллий хунармандчилик буюмлари кўргазмаси, аънавий санъат ва миллий таомлари намойиш ўтказилди.

Буюк Британиянинг Кембриж университетида ҳам Наврўзи олам байрамига бағишланган маданй тадбир ташкил этилди.

Байрам тадбири Ўзбекистон элчихонаси ташаббуси билан Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми ва Британияда таҳсил олаётган талабалар билан биргаликда уюштирилди.

Тадбир давомида барча иштирокчи давлатлар ўз миллий стандартларини тақдим этиди. Ўзбекистон миллий стандартида мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятиға оид маълумотлар, миллий либослар, каштачилик ва бошқа халқ амалий санъати намуналари намойиш қилинди. Бундан ташқари, аънавий таомларимизнинг махсус тақдимоти ўтказилди.

Ўзбекистоннинг Латвиядаги элчихонаси томонидан Озарбайжон, Қозғистон ва Туркия дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда Рига шаҳрида Наврўз байрами муносабати билан маданй-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда Латвия расмийлари, ижтимоий-сиёсий, илмий-академик, ишбилармон доиралари ва ўзбек маданй маркази вакиллари қатнашди.

Иштирокчи давлатлар ўз миллий стандартларини тақдим қилди. Ўзбекистон миллий стандартида мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятиға оид маълумотлар, миллий либослар, каштачилик ва бошқа халқ амалий санъати намуналари намойиш этилди. “Халқлар дўстлиги” ансамбли ижросидаги миллий рақслар, куй ва қўшиқлар барчаға байрамона кайфият улашди.

Польша пойтахти Варшавада ҳам туркий маданйат муҳити ва Наврўз байрами шуқуҳи ҳўжмор. Хусусан, Варшава университетининг турк-шунослик факультетида академик доиралар вакиллари ва талабалар иштирокида байрам тадбири уюштирилди.

Унда Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозғистон ва Туркиянинг Польшадаги элчихоналари, Туркий халқлар маданйياتи ва мероси халқаро жамғармаси вакиллари, Варшава университети раҳбарияти иштирок этиди.

Меҳмонлар ўзбек ошпазлик аънавалари, сомса, палов ва бошқа миллий таомлардан тақдим қилиш имкониятиға эга бўлди. Қатнашчиларға Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари — Самарқанд, Хива ва Бухоронинг туризм салоҳиятиға оид материаллар тақдим қилинди.

Наврўзи олам муносабати билан Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонасида ўзбек диаспора ташкилотлари раҳбарлари иштирокида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Унда Наврўз байрами аънавий қадриятлар — меҳр-оқибат, саховат, бунёдкорлик, бағрикенглик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни ўзида муҳим жассам этгани алоҳида таъкидланди. Россия ҳудудларидаги ўзбек диаспораларининг халқимиз бой маданй-тарихий меросини оммалаштириш борасидаги фаолияти, шунингдек, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб қилишға қаратилган саъй-ҳаракатлари юқори баҳоланди.

Учрашувда Россияда ўзбек халқининг маданй-тарихий меросини тарғиб этишға қўлдан ҳисаси учун диаспора ташкилотлари раҳбарлари ва фаол ватандошларға ташаккурномалар топширилди.

Тадбир якунида байрам дастурхони ёзилиб, ўзбек миллий таомлари улашилди.

Эрон пойтахтидаги “Озоди” майдонида Наврўз байрами кенг нишонланди. Ушбу тадбирда Эрон маданйят вазири Сейед Аббас Салехи Шарияти, маданй мерос, туризм ва хунармандчилик вазири Муҳаммадруза Солеҳи Амири, ташқи ишлар вазири Сейед Аббос Ароғчи, вазирлик ва идораларнинг маъсۇллари, Тейхронда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус, хусусан, Ўзбекистон элчиси Фариддин Насриев иштирок этиди.

Қувонарлиси, Тейхрон рамизи бўлган — “Озоди” минораси Ўзбекистон байроғи рангларига бурқанди ва ўзбек тилида “Наврўз муборак бўлсин!” кутлов сўзлари намойиш қилинди.

«Дунё» АА.

Наврўз байрами муносабати билан Янги Наманган туманида жойлашган «Тараққиёт» кичик sanoat зонасида тўққизта корхона ўз фаолиятини бошлади.



# УЛУҒВОР ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ХАЛҚОНА ТАНТАНАСИ

Каналнинг икки соҳили бўйлаб "қора уй" — ўтовлар тикилди. Бу қадимий урф-одатларнинг намоён бўлиши халқимизда ўзига хос кўтаринки кайфият уйғотди.

— Асрлар давомида сайқалланган Наврўз халқимизнинг гўзал қадриятларини ўзида муҳассам этган миллий байрамдир, — дейди "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони соҳиби, хўжайилик Таваккал Абдуқолиқов. — Ота-боболаримиздан бебаҳо мерос сифатида сақланиб келинаётган ушбу байрам деҳқонлар учун ҳам янги йил боши, табиятнинг уйғониш фасли ҳисобланади. Жорий баҳорнинг дастлабки кунларида ризқ-рўзга қўйсанадиган оппоқ қор ёғди. Кун кеча Амударё туманида илк чигит, барака уруғлари экилиши бошланди. Биз, нурунийлар деҳқонларимизнинг бир уруғи минг бўлсин, дея дуолар қилдик.

Анджон шаҳридаги "Боғи Бобур" маданият ва истироҳат боғи кўкларангларидан жололанган ҳолда байрамона тус олди. Наврўз байрамини бағишланган бош тадбирнинг айнан шу масканда бўлиб ўтиши эса унинг фойдаси янада оширди. Қир-адирлик ёнбағрига ястанган боғдаги дошқозонларда сумалак кайнаган бўлса, тандирда кўксомса қозонларда қатламалар пиширилди. Мажнунтол новдасидан сочпоқ тақиб, атлас адрасларда товусдек товланган қизларнинг юзидаги табассумда, нурунийлар қафтидаги дуоларда юртимиздаги тинчлик-хотиржамликка шукроналикни пайқаш қийин эмас.

Мустанқил йилларида Наврўз мамлакатимизда яшаётган миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз оракиб қўладиган, том маънодаги умум-халқ байрамга айланган. Шу маънода, Наврўзи олам Бухоро вилоятида ҳам ўзгача завқу шавқ билан қутиб олинди. Байрам муносабати билан "Кўҳна ва боқий Бухоро" мажмуасида тантанали тадбир ўтказилди.

— Наврўз нафақат баҳор байрами, балки дўстлик, дийдорлашув, миллатлараро тотувлик айёми сифатида ҳам қадри, — дейди Бухоро вилояти татар-бошқирд миллий маданият маркази фаоли Халида Сабитова. — Қўриб турганимиздек, айёми нишонлаш учун барча миллат ва элат вакиллари жам бўлди. Биз ҳам ўз бадий дастуримиз билан иштирок этиямиз. Меҳмонларга уратма, балиш, чак-чак, учкучмак каби миллий таомларимиздан улашялмиз.

Жиззах шаҳрининг Ўрда боғи байрамона безатилиб, шаҳар аҳли ва меҳмонлар учун ҳақиқий тантана муҳити яратилди. Аслида ҳам халқимиз табиятга инжа муноса-

батда бўлган, уни аяган ва улуғлаган. Бу тушунчалар эса уларнинг қўшиқларига, достонларига, амалий ва хунармандчилик санъатига кўчиб ўтган. Халқимизнинг яшаш тарзи, яъни оддийгина ўтовдан тортиб ёпилган нонда, каштачилик, гиламчилик санъатида бу тасаввурлар устасу хунармандлар, каштадўзу чеварлар миллий либосларимизни, халқ чолғу асбобларини намойиш қилди. Кўргазмали чиқшлар, бадий саҳна кўринишлари, куй-қўшиқлар байрамга фойз ва шуқу бағишлади.

Наманган вилоятининг байрамга тайёргарлиги ўзгача бўлди. Халқимизнинг эзгу орзу-интилишларини ўзида муҳассам этган улғу айём Тинчлик хиббони ва "Афсоналар воядиси" тематик паркида умумхалқ сайли сифатида ўзига хос тарзда нишонланди.

— Наврўзга атаб йигирма беш килограмм вазнда йирик ҳажмли патир ёпдик, — дейди новвой Исмомил Азизхўжаев. — Уч киши бирлашиб тандирга жойлаштирган гигант патирнинг хаамири ўзига хос усулда қорилган бўлиб, таъми татиган кишининг оғзида қолади.

Наврўз умумхалқ байрами **Навоий** вилоятининг барча ҳудудида ҳам ўзгача сурур, кўтаринки кайфият билан нишонланмоқда. Хусусан, Навоий шаҳри марказидаги Алишер Навоий номидаги истироҳат боғида қорхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари, маҳаллалар вакиллари иштирокида Наврўз байрамининг асосий тадбири кенг нишонланди. Кураш мусобақаси ўтказилиб, еттига катта кичик саҳнада санъаткорларнинг байрам дастурлари йиғилганларни хушнуд қилди. Байрам дастурхони ёзилиб, элга сумалак ва бошқа баҳорий таомлар тортиқ этилди. Минг-минглаб халқ амалий санъати намуналари намойиш қилинди.

Самарқанд вилоятида байрам шодиёнаси Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғи ва боғ атрофидаги кўчалар, Регистон майдони, Университет хиббони, Қорасув массиви ҳамда шаҳар марказидаги бошқа диққатга сазовор жойларда халқ сайли шаклида ўтказилди.

Бир томонда ўлану лапарлар янграса, яна бир томонда миллий ўйинларимиз намойиш этилди, варрақлар сайли, расмлар кўргазмаси, спортчиларнинг чиқшлари иштирокчиларга олам-олам завқу шавқ бағишлади. Ўтказилган байрам тантаналари моҳиятида янги-лаб бораётган Ўзбекистонда келажатган барча ҳаётбахш ислохот-

лар мазмуни ўз ифодасини топагани аҳамиятлидир.

Сирдарё вилоятининг маркази — Гулистон шаҳрининг бир неча хиббон ва майдонларида катта тадбирлар ташкил этилди. Алишер Навоий номидаги "Билимдонлар маскани", Театр майдони, ёзги амфитеатр ва бошқа жойларда ўтаётган байрам сайли ҳамда томошалари барчага кўтаринки ва тантанавор кайфият бахш этмоқда.

— Янгилавиш айёми бўлган Наврўзимиз вилоятимизнинг барча шаҳару қишлоқларида зўр шоду хуррамлик билан байрам қилинаётир, — дейди шoirа, халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши депутати Норинисо Қосимова. — Худудларда олиб борилган ободлик, кўчаларнинг янгилаштириши ишлари айём кўрмига кўрк қўшди. Вилоятда олиб борилаётган жадал



ота Аҳмадқулов самимий муборакбод этилди. Гап шундаки, вилоят жамоатчилиги фаоли, "Нуруний" жамғармаси Нурафшон шаҳри бўлими раҳбари Жўра ота айни Наврўз арафасида табаррук 90 ёшга тўлди.

Сайил таассуротларидан қалблар гурур ва ифтихорга тўлди. Нафаси кўзларда, юзларда намоён баҳор айёмида **Фарғона** шаҳрида бунёд этилган Экошаҳарда амфитеатрда халқ сайиллари, миллий спорт ўйинлари уюштирилиб, барчага хуш кайфият улашилди.

— Севимли байрамимизда илк бор қатнашиб, самимий, хамиша табассум қилиб турадиган халқининг бир-бирига меҳрига қойил қолдим, — дейди Фарғона шаҳрида Президент мактабининг математика фани ўқитувчиси,

Бу йилги Наврўз инсон қадри ва кўҳна қадриятларимиз янада улуғланаётгани билан ҳам эсда қоларли бўлмоқда. Зотан, Наврўзи олам ана шу улғувор қадриятларни ўзида муҳассам этгани учун ҳам минг йиллардан бунён эъозланиб келинади.

Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайиллари давом этмоқда.

Буюк британиялик Поул Руботом. — Илк таассуротдаёқ ушбу байрам менга жуда ёқди. Айниқса, байрам аввалида қўлигул чеварлар менга Ўзбекистон дўппи сова қилгани ҳаётимдаги унутилмас воқеалардан бири бўлди. Байрам тадбирида дунёнинг кўплаб давлатларидан келган меҳмонларни кўриб, шундай бахтли даврада эканлигимдан беҳад мамнун бўлдим. Билимга чанқоқ ёшлар, шодон даврада яйраб рақсга туншаётган йигит-қизлар, нурунийларга жуда ҳавасим келди. Юртингиздаги тинч-оқсийишта ҳаётга асло кўз тегмасин!

Тўй, байрам кўпчилик билан кўркли. **Қашқадарё** вилояти маркази Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номидаги истироҳат боғида ташкил этилган байрам сайлида ҳаётимиз, тутумларимиз, турмуш тарзимиздаги аъёналар ўз ифодасини топди.

Унда вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари, маҳаллалар, миллий маданият марказлари, фольклор-этнографик дасталари, хунармандлар, касб-хунар, ижод мактаблари, спорт муассасалари миллий удум ва аъёналар, миллий либослар ва таомлар, ёшларнинг ижод ва спортда кўлга киритаётган ютуқлари кўргазмаси билан иштирок этиди.

Наврўз бободоҳқонларимизнинг ерга уруғ қадашидан бошланади. **Хоразм** вилоятида ҳам айни кунларда фидойи деҳқон ва фермерларимиз катта орзу-умид билан янги мавсумни бошламоқда. Зеро, ерга қадалган ҳар бир уруғ эртанги ризқу насибамиздан дарак беради.

— Ҳар йил кўклар келишини, Наврўзни интиқилга билан қутаман, — дейди бир асрлик тарихнинг жонли гувоҳи бўлган табаррук ёшдаги хоразмлик Сора она Тожибоева. — Умирим давомида сумалак тайёрлашга бугдўй топа олмаган ҳақматчилик даврларини ҳам, Наврўз диний байрам деб уни нишонлаш тақиқланган кунларни ҳам кўрдим. Шукр, у кунлар ортда қолди. Бугун халқимиз ўлмас қадриятимиз — Наврўзни кенг давраларда шоду хуррамлик билан байрам қилмоқда. Кеча маҳалламизда ҳам катта дошқозонларда сумалак тайёрлаб, кеқсаю ёш ўйин-қўли қилдик. Ёшларга бугунги тинч ва фаровон турмушимизнинг қадрига етиш ҳақида сўзладим. Илоҳим, тинчлигимиз барқорор, ҳар бир кунимиз Наврўз бўлсин!

«Халқ сўзи».

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

## Таассурот

# ЭЗГУЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ ТАРАННУМИ

Кўнгиллارга олам-олам шодлик, яшариш ва яшаш, ҳаёт наҳидасини олиб келувчи баҳор айёми — Наврўз мамлакатимизда кўтаринки руҳда нишонланмоқда. Айём муносабати билан дунёнинг турли минтақаларидан кўплаб сайёҳлар юртимизга келган ва улар ҳам халқимиз билан бирга Наврўз таровати, завқу шавқдан баҳраманд бўлаётир. Қардош ўлкалардан келган меҳмонларнинг айримларидан таассуротларини ёзиб олдик.

### Зобит НАБИЗОДА, Озарбайжон Республикаси халқ артисти:

— Наврўз қалбларга илҳом шавқини оlib келади. У ташрифу буюрган жойда гўзаллик, бахту саодат, умид пайдо бўлади, баҳорий кайфиятнинг энг авж нуқтаси ҳам айнан ушбу кунда яралади.

Айёмнинг яна бир ўзига хос жиҳати шуки, у бутун туркий халқларни бир гоё, бир мақсад атрофида бириктирувчи қудратга эга. Кун кеча давлатингиз раҳбари иштирок этган Наврўз тантаналарини кузатиб, бунга яна бир бор амин бўлдим. Президент табриги байрам тароватини янада оширди. Дастурда Озарбайжон ва Ўзбекистон халқ артисти Гуляноғ Маммедова ҳам катнашганидан кўксимиз фаҳрга тўлди. Зеро, Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик шу каби маданий ришталар орқали янада муҳташамланмоқда.

Кеча кечки сайрга чиқиб, юртингиздаги байрам шуқуҳига аққол гувоҳ бўлдим. Ўзбекистон баҳори ва Наврўзининг жарчилари — оппоқ гулган ўриклар, куртак очаётган дарахларни кўриб, баҳридилимиз яйради. Кўча-кўйда одамлар гавжум, ҳамма хурсанд, кўзлар порлаган, юзларда табассум...

Озарбайжонда ҳам Наврўз катта шодиёна ўлароқ нишонланади. Бизда байрам беш кун давом этади ва шу кунлари мамлакатимизнинг турли ҳудудларида гулханлар ёқилади, турфа ширинликлар — шекербура, бадамбура, пахлава, гогол тайёрланади, патнисга ширинликлар терилиб, ясатилади. Албатта, байрам дастурхониди меҳмонларга юқоридаги ширинликлардан ташқари палов ҳам тортилади.

Ўзбекистон палови бутун дунёда машҳур. Байрам муносабати билан юртингизга келганимиздан хурсандимиз. Наврўзни қардошлар билан бирга нишонларканмиз, албатта, ўзбек ошхонасидан баҳраманд бўлдим.

### Минне САРМИШ, россом ва шоир (Туркия):

— Мен баҳорни ижодкор фаслга менгазайман, чунки у бошқа фасллардан айри ҳолда ўзига хос яратиб ва яшатиш руҳига бой мавсум. Ҳар қандай ижодкор ўз кўнгили майли, ундаги хис-туйғулардан таъсирланади, албатта. Агар баҳор ижодкор бўлса, демак, унинг кўнгили Наврўз, десак, тўри бўлади.

Очиқ, мен ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистонга келишга кўп бор ҳаракат қилдим, аммо ҳар гал қандайдир сабаб билан сафарим амалга олмади. Бунга қарангки, ташрифим айнан баҳорга, Наврўз байрамимизга насиб этган экан, бу менга икки қарра бахтиёрлик ва қувонч бағишлади.

Ўзбекистонда Наврўз ўзгача кайфиятда қутиб олинган экан. Унинг, айниқса, кўнгиллари ён-атрофга ободлик ва орасталик олиб кириши, барча одамларни шунга ундаши жуда ажойиб!

Қай мамлакатга борсам, унинг бозори билан танишини хуш кўраман. Кеча Тошкентдаги гавжум бозорга бордик, ҳамма жойда сумалаклар, кўк сомсалар сотилипти, базви сотувчилар меҳмонлигимни билиб тансиқ таомлар билан сийлади. Демак, Наврўз ўзинг хис этган бахтни бошқалар билан бўлишиш туйғусини ҳам қалбга солади. Бу нақадар иззор туйғу!

Туркияда ушбу шодиёна кун ийғонганинда бахт, узоқ умр кўриш, соғлик, фаровонлики ифодаловчи бирор нарсага кўзинг тушса, улар, албатта, йил давомида сен билан бирга бўлади, деган қараш мавжуд. Шу боис ундирилган бугдўй, нон, қоғоз пул ёки тангалар оила аъзоларининг бош тарафига қўйилади. Шунингдек, байрамнинг асосий рамзларидан яна бири — муқаддас гулхан ва ундан сакраб ўта олиш гуноҳлар ва омадсизликдан тозаланишни билдиради.

Демак, Наврўз турли мамлакатларда турлича нишонланса ҳам унинг асосида фақат бир нарса — эзгулик, тинчлик, тотувлиги бирдамликка интилиш ётади. Наврўзингиз муборак бўлсин, азизлар!

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Тошкент давлат аграр университети жамоаси Ўсимликшунослик ва мойли экинлар кафедраси профессори

Халима АТАБАЕВАННИНГ вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига қучур таъзия изҳор этади.



Акилов МУҲАММАДОВ олган суратлар.

## Пойтахтимиздаги Халқаро шахмат академиясида Ўзбекистоннинг биринчи гроссмейстери Георгий Агзамов хотирасига бағишланган XVIII «Tashkent open» халқаро турнири ташкил этилди.

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 15 120 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетани ҳақиқий маълумотларини оқиб олдиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



### ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибқолган 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган қўламлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Нашбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров. Мусаҳҳих — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.40 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6

## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши